



Дарё бўйидаги шаҳарда нима гап?

Чирчиқ – қадим дарё. Уни не-не баҳодирлар, не-не карвонлар кечиб ўтмаган дейсиз?! Гарчи бугунга келиб, дарё ўзанида сув жуда ҳам камайиб кетган бўлса-да, аммо дарё – дарё-да! Ўзининг табиати ва об-ҳавоси билан кишиларни ҳамон ўзига мафтун этиб келмоқда. Мазкур дарё бўйида вақти келиб, Чирчиқ шаҳри қад кўтарди. Шаҳар 1932 йилда соҳилдаги Қирғизкулоқ, Қипчоқ, Ниёзбек қишлоқлари ўрнида барпо этилган. Хўш, ана шу сув бўйидаги шаҳар аҳолисининг сув таъминоти қандай?

Биз мазкур масалани ўрганиш учун яқинда Чирчиқ шаҳрида бўлдик. Тошкент вилояти “Сувоқава” давлат унитар корхонаси таркибига кирувчи “Сувоқава” Чирчиқ филиали Чирчиқ шаҳар ва шаҳар атрофидаги туманларни тоза ичимлик суви билан таъминлаб келмоқда.

Чирчиқ шаҳрида 44 та маҳалла 46 773 та хонадон 128 167 нафар аҳоли истиқомат қилади. Барча хонадонлар марказлашган ичимлик сувидан баҳраманд. Шундан 75% хонадон оқава суви тизимига уланган.

Ҳозирги кунда филиалнинг 330 нафар ишчи ва мутахассислари ўз вазифаларини сидқи дилдан бажаришмоқда.

“Сувоқава” Чирчиқ филиали тасарруфида 255,84 км ичимлик сув қузури ҳамда 7 та ичимлик сув иншоотлари мавжуд.

Бугунги кунда аҳолини тоза ичимлик суви билан мунтазам таъминлашда корхона ишчи ва мутахассислари барча имкониятни ишга солмоқда. Бир сўз билан айтганда, соҳа жонкуярлари шаҳар аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифати юксалишига астойдил бел боғлашган.

Шаҳарнинг тозаллиги сув билан деганларидек, “Сувоқава” Чирчиқ филиали тасарруфида 221,51 км оқава сув қузури, 2 та оқава сув тозалаш иншооти ҳамда 2 та КНС оқава насос станциялари мунтазам ишлаб турибди.

Байтқўрғон қўрғонида жойлашган 1- бассейн тозалаш иншооти минтақавий ҳисобланади. Ушбу иншоот Чирчиқ шаҳридан ташқари Чимён, Новобод, Юсуфхона аҳолисини, Чорвоқ, Бақачўл дам олиш мажмуалари, Чорвоқ қўрғони, Ғазалкент шаҳри, Оқтош дам олиш маскани, Искандар, Товоқсой, Озодбош қўрғонларининг оқава сувларини қабул қилади ва тўлиқ биологик усулда тозалайди. Иншоотни бир кеча-кундузда ишлаб чиқариш қуввати 80 минг м³ ни ташкил қилади.

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳри йирик саноатлашган шаҳарлардан бири ҳисобланади, шунингдек, шаҳарни кимёгарлар шаҳри деб ҳам аташади. Кўп миллатли Чирчиқ шаҳри сўнги икки йилда саноати жадал ривожлаётган ҳудудлардан бири бўлиб қолди. Саноатни ривожлантиришнинг омилларидан бири албатта тоза ичимлик суви, шунингдек, сувоқава тизимига боғлиқ албатта. Ана шу саноат корхоналарида ишлаётган ишчи-хизматчиларининг шарт-шароитини яхшилаш мақсадида шаҳардаги кўп хонадонли уйларни ҳам таъмирлаш юқори суратларда амалга оширилмоқда. Албатта бу хонадонларни тоза ичим-



лик суви билан таъминлаш ва сувоқава тизимини доимий назоратда ушлаш ҳам шаҳар маъмурияти ва “Сувоқава” ДУК ходимларининг муҳим вазифасидир. Бунинг учун соҳа ходимларининг малакасини доимий равишда ошириш ва ёш кадрлар билан тўлдириб бориш филиал раҳбарларининг долзарб вазифасидир.

Филиал ходимлари билан танишиш жараёнида аксарият ёшларни учратдик. Уларнинг меҳнатга завқи баландлигини кўрдик, ёшлар билан суҳбатлашганимизда корхонада ёшларга катта эътибор берилаётганини сўзлаб беришди. Шу билан бир қаторда ёшларнинг малакасини ошириш масаласида корхона раҳбарияти дастурий режа тузиб мунтазам амалга ошириб келмоқда.

Маҳаллаларни оқава сув хизматлари билан қамраб олиш юзасидан “Йўл харитаси”, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Жумладан, 2018–2019 йилларда “Куз-қиш” мавсумида Чирчиқ шаҳрида 3 км масофада ичимлик ва оқава сув қувурларини алмаштириш ҳамда қайта тиклаш (оқава сув қувурларини гидродинамик тарзда ювиш); Абдулла Қодирий кўчасида 2,1 км масофадаги ичимлик сув узатиш тармоғини қуриш; сув тизимини яхшилаш ва иншоотларни реконструкция қилиш, 8,5 км масофада ичимлик сув қувурини алмаштириш ишлари белгиланган.

Дарё бўйидаги шаҳарда аҳолини ичимлик суви ва оқава сув хизматлари билан қай даражада таъминланганини кўриб, оз бўлса-да, кўнглимиз тўлди.

Козим ЎЛМАСОВ

